



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 12 май, жума № 18 (401)

Сотувда нархи эркин



«Тошкент Телеком» ХЖнинг Янгийўл филиали биноси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ИШ УСТАСИДАН ҚЎРҚАДИ

Касбим тақозосига кура Хо-разм вилояти электралоқа корхонаси бошлиги Маҳмуджон Собировнинг хизмат хонасида бир неча марта булганман. Унинг хизмат хонаси ортиқча ҳашамлардан холи, доимо ораста, саранжом-сарийшта. Айниқса иш столи. Унинг устида ортиқча нараса булмайди. Қоғозларга кумилиб, уралшиб қолган раҳбарларни куп курганлигим учун, бу ҳол алоҳида диққатимни тортган. Маҳмуджон ака уларга ухшамайди. Қачон курсанг эркин ва бардам қиёфада утиради. Гуё унинг ишларида қийинчилик ва муаммолар йўқдай...

Аслида бу осойишталик ва хотиржамлик заминида хизмат вазифаси билан боғлиқ ташвишлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам зоҳирдир. «Кўшдек энгил» бўлиб утириш олдида ҳар гал ана шу ташвишларни бар-тараф қилишга, юмушларни ҳал этишга тўғри келади. Маҳмуджон ака олдига бирор иш билан келган одамларни ёки ўзи чақиртирган хизматдаги ходимларни куп мағтал қилиб утирмайди. Фикр-мулоҳазаларни, илтимосу истакларни дангал сурайдиди, масалани тезкорлик билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Унинг топшириқлари ҳам аниқ ва лунда бўлади.

У билан вилоят телефон алоқа тизимидаги янгиланишлар, ислохотлар хусусида суҳбатлашиб утирдик. Телефонлар кетма-кет жириглаб турарди. Суҳбат айна қизиган пайтда унга кузи ожиз бир киши қабулига келганлигини маълум қилишди. Афтдан, ноғиронлар алоҳида эътиборга олинганлиги сабабли, бу хабарни кечиктиришга ҳеч ким журъат эта олмаган.

Айтинг, кираверсин, — Маҳмуджон Собиров «Уэр энди» дегандек менга қараб қўйди. — Ассалому алайкум, ёшулли, — деди кичкина бола ҳамроҳлигида хонга қадам қўйган ноғирон. — Сизни савҳоватли одам деб эшитганман. Маҳмуджон ака уни ўзи бориб охирагина сулга ўтқазди. Кейин сал хижолатомуз оҳангда деди: — Қори ака, телефонда айтсангиз ҳам буларди. Қолаверса, тез-тез сизлар тарафга ўзим ўти тураман. Яқинда ана бориб, ҳол-аҳвол сурашмоқчи эдим.

— Раҳмат, бунчи биланман. Лекин узингизга учрашиб, овозингизни бир эшитгим келди. Меҳмоннинг самимияти, катта бир идора раҳбарига ишончи боис уртадаги муносабатда илиқлик пайдо бўлди. — Уш, қори ака, бизга қандай хизмат бор? — Эски радиомо иш бермаепти. Янги чиққан «Дустлик» радиоси керак. — Керак булса, толамиз. Корхона раҳбари иқтисодчи ва ҳисобчи мутахассислар билан қисқача маслаҳатлашиб, ҳоҳлатмандага ҳомийлик ёрдами курсатди.

Кейинги икки йил давомида электралоқа корхонаси ходимлари радио хизмати курсатишни яхшилаш юзасидан жиддий чора-тадбирлар қўришди. Фақат Урганч шаҳрининг ўзида 5 мингдан зиёд хонадонда янги радиолар овози янграй бошлади. Жорий йилда бу курсаткич тўрт марта ошади, вилоятда бугун янги радиолар чекка қишлоқларга ҳам етиб борди. Гап бевосита телефон хизматига бориб тақалганда, вақт тушликка яқинлашган эди. Мен бошлиқдан алоқачиларнинг кўчама-кўча юриши, телефон туширишини хоҳловчи фуқароларни аниқлашавтгани ростми деб сурадим. У бир жилмайиб қўйди. — Бир кўчадан ун бешта, икки ёки уч кўчадан йигирмадан зиёд ариза тўплаб келганларга пул мукофоти ҳам берамиз, — деди у жонланиб. — Мавжуд қувватларимиздан ҳозир 94,5 фоиз фойдаланяпмиз. 1998 йили телефон нуқталари 78 мингга ташкил этган бўлса, утган йили 88 мингдан ошди. Бу йил миждозларимиз сони 93 мингга етди. Қувватларимиз ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди. Республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғини 2010 йилгача булган даврда реконструкция қилиш ва тараққий эттириш Миллий дастури тўғрисида»ги қарори ишимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик ҳамгармасининг имтиёзли кредити эса муҳим иқтисодий манба бўлди. Қарийб 200 километр ерга янги оптик толали кабеллар ётқизилди. Бугун алоқачилар ўзларига миждоз излаб юришибди. Вилоят фуқароси хоҳлаган маҳалда ўз уйида утириб, дунёнинг исталган жойи билан боғланиши мумкин. Айниқса, чет элларда тахсил олаётган талабаларимизнинг ота-оналари бу имкониятдан жуда мамнун. Яна ун етти хил қўшимча хизмат турлари ҳам телефон миждозларига қўлгина қўлайликлар тугдирмоқда. Шу йил биринчи апрелдан вилоятда те-

(Давоми 2-бетда.)

## ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Барча жойда булганидек, Тошкент электротехника Алоқа институтида ҳам Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда институт ўқитувчилари ва талабалари, уруш фахрийлари ҳамда қатнашчилари иштирок этишди. Институт ректори

С. Қосимов йигилганларни байрам билан табриклаб, фахрийлар курсатган жасорат ёшлар қалбида ўчмас из қолдиришини таъкидлади. Институт фахрийлари моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Ийгилиш сўнгиди бир пилёла чой устида шахидлар хотираси ёд этилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

## «COSCOM» НАВОИДА

Навоий шаҳрида Ўзбекистон-Америка «Coscom» кўшма корхонасининг филиали фаолият кўрсата бошлади. Бу эса вилоятда телекоммуникация тармоғини яхшилаш, симсиз алоқа хизматини кенгайтириш имкониятини яратди. Ҳадемай Зарафшон шаҳрида ҳам уяли алоқа ишга тушади. Кейинчалик унинг фаолият доираси янада кенгайтирилади.

Фаргона шаҳрининг «Кимёгар» спорт уйингоҳида Фаргона вилоят алоқа ходимлари уртасида спортнинг волейбол, футбол, шохмат, шашка, энгил атлетика каби турлари буйича вилоят спартакиадаси жамоаси учинчи ўринларни, аёллар уртасида ўтказилган волейбол беллашувларида «Фаргона шаҳар Телеком» жамоаси биринчи, «Кувасой Телеком» иккинчи ва «Марғилон почтаси» жамоаси учинчи ўринларни

## МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛДИ

ўтказилди. «Соғлом авлод йили учун» Давлат дастурини бажариш, алоқа корхоналарида спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилишда бу тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Голиблар фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Усмонжон ИСКАНДАРОВ, Фаргона вилояти

# ИШ УСТАСИДАН ҚЎРҚАДИ

(Боши 1-бетда.)

лефон хизматига ҳақ тулаш республикада биринчилардан бўлиб вақтбай асосига ўтказилди. Бу бозор иқтисодида хос тил билан айтганда «хисобли дуст айрилмас» дегани. Бундан тежамкор мижозлар наф курадилар. Туловлар микдори ташивлантирмайдиганлар эса, табиийки, қушимча ҳақ тулашларига тўғри келади.

Маҳмуджон ака хайрлашиш олдида таксофонларга бир назар ташлашни таклиф қилди.

Бугун Урганч шаҳрининг катта кучалари бўйлаб ҳар икки километр масофада замонавий ва бежирим таксофонлар ўрнатилган. Шаффоф ярим кабинетлар ичига ўрнатилган телефон аппаратлари яққол кўриниб туради. Қўрасан-у кўзларингиза ишонмайсан. Шу узимизнинг шаҳари?

— Алоқачиларни телефон аппаратларини биров бузиб, синдириб ёки ўғирлаб кетиши ташивлантирмайдими? — сурайман Маҳмуджон акадан. Унинг жавоби тайёр: «Чумқудан қўрққан тарикъ эмас».

Ҳақ гап. Битта яримта «чумқуқ» озми-кўпми зарар етказди, деб мижозларга қўлайлик яратмай буладики? Қўлаверса, узи яшаётган жойдаги замонавий узгартирилари қуриб, қалбдан қувонган шахарликлар уларни кўз қорачигидай асрашни ҳам урганиб бораётганликларини сира муболага эмас.

Хонка йулидаги таксофонда гаплашиб турган бир йигит эътиборимизни тортиди. У сўзини тугатгунча кўтиб турдик.

— Йўлда машинамиз бузилиб қолди. Шунга устанинг уйига кўнғироқ қилдим. — деди у мамнун бўлиб. — Йўл бўйида таксофон қўйганларга минг раҳмат...

Биз хайрлашдик. Мен шунда узини, «қушдек енгли» тугатидан раҳбарга кўп нарса боғлиқ эканлигини аниқладим.

**Сотим АВАЗ,  
Хоразм вилояти**

# ТАБРИКЛАШМИЗ!

«Қорақалпоғистон почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Тўртқул филиали жамоаси шу жамиятнинг почта хизмати бўлими бошлиғи **Бисенгали ТАУБАЕВИ** 60 ёши билан қизғин табриклайди. Унга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, алоқа соҳасидаги ишларида катта муваффақиятлар тилайди.

\*\*\*

«Фаргона почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Ровон филиали жамоаси мазкур филиал бошлиғи уринбосари **Абдумажид АБДУРАҲМОНОВ**ни таваллуд топган кунин билан чин қалбдан табриклаб, унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

\*\*\*

Тошкент электротехника Алоқа институти жамоаси маънавий-маърифий масалалар бўйича 1-проректор **Масъуд ЗУПАРОВ**ни таваллуд кунин билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, ишларида ривож тилайди.

\*\*\*

Тошкент электротехника Алоқа институти жамоаси жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири **Олим ГАФИТУЛЛИН**ни 60 ёши билан табриклаб, унга тансоғлиқ, эзгу ишларида омад тилайди.

**Қашқадарё вилоятининг Қарши алоқа бўлимида муҳандислик вазифасида хизмат қилаётган Дилбар Раҳматуллаева ота касбини давом эттираётганлардан. Дилбар Раҳматуллаева билан суҳбатда бўлган киши унинг ўз касбига эътиқоди баландлигини, қолаверса ота касбини эъзозлаб келаётганлигига ишонч ҳосил қилади.**

— Дилбархон, кўпчилик касбдошларингиз сизни «ота касбини эъзозлаган қиз» дейишади.

— Биласизми, ота деганингизда оиламиз таянчи, меҳрибон устозимнинг унутилмас сиймоси куз унгимда гавдаланади. Қанийди ҳозир ёнимда бўлса-ю, ҳамшағидаги самимий йўл-йўриқлар кўрсатиб турса. Афсуски...

Раҳматли отам Абдулла Раҳматуллаев қарийб эллик йил алоқа соҳасида оддий темир йўл алоқа хизматчисидан тортиб шу соҳани мукамал эгаллаган, муҳандислик, раҳбарлик вазифаларида ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган инсон эди. У киши Қарши чулини узлаштиришда, алоқа хизматининг йўлга қўйилишида фаол иштирок этган эди. Айниқса, қўриқ Нишон туманида алоқа хизматининг тамал тошини қўйишда муносиб эш қолдирган. Дарвоқе, мени ҳам шу соҳага етказиб келган отам булади. Жуда ёшлигимдан, мактабда ўқиб юрган кезларимда иш жойларига олиб келар ва алоқа боғламасида иш юритишнинг сир-асрорларини эринмасдан ўргатардилар. Шундан бўлса керак, менда бу касбни эгаллаш истаги жуда эрта уйғонди. Умуман олганда оиламизни алоқачилар оиласи десам аниқлимайман. Онам Хушваёт Жабборова умр бўйи шу соҳада телефончи, почта алоқаси ходими вазифаларида ишлаб, нафақага чиқдилар. Синглим Зебо ҳам шу соҳада меҳнат қилади. Тўнғич қизим Лола Тошкент Алоқа коллежининг иқтисодий бўлимида тахсил олиб, ўз соҳаси бўйича ишлайпти. Катта ўғлим Йўлҳон Тош-

# ОТА КАСБИНИ АРДОҚЛАЁТГАН ҚИЗ

кент электротехника Алоқа институтида ўқияпти. Комила ва Бахромлалар урта мактаб ўқувчилари. Эҳтимол, улар ҳам катта бўлишган, оиламиз сулоласини давом эттиришар.

— Хизмат вазифангиз ҳақида ҳам сузлаб берсангиз...

— Мен бошқараётган қарши шаҳарлараро телефон тармоғи дейилади. Бу бўлимда асосан муҳандислар, телефончилар турли шаҳарлар билан узаро сузлашув ишларини амалга оширадилар. Бу ерда иш кеча-ю кундуз давом этади. Бу эса алоқа ходимларидан ишга катта масъулият билан ёндошишни талаб қилади. Учинчи синфда ўқиб юрган чоғимда, у пайтларда телеграфчи ходимлар жуда кам эди, бир кеча-кундузда юзлаб шошилинчномаларни қабул қилиш ва жўнатиш лозим буларди. Агарда қабул қилинган шошилинчномалар жойларга белгиланган муддатда етиб бормаса, маъмурий қоралар қўлланариб эди. Эндигина мен каби янги иш бошлаган ёшларга уларни баҳарши анча билим ва меҳнат талаб қиларди. Шундай кезлар бўлганки, тарқатишча улғура олмай, қўлиб кетган шошилинчномалар тушларимга кириб қичқарди. Уйғониб кетгач, иш кунини бўлмасида, дарҳол ишхонага

югурардим. Шундай қийналган чоғларимда раҳматли отамнинг хузурига бориб, маслаҳатлар олардим. Айниқса, узоқ йиллар телеграфчи бўлиб ишлаган Эмма Саламонова менга яқиндан ёрдам берар, йўл-йўриқ кўрсатар эди. Бир воқеа ҳеч асимдан чиқмайди. Институти эндигина тугатиб келган кезларим эди. Алоқа блок-

мушқулдай туюлади? — Бу фикрингизга унча қўшилмайман. Негаки, ҳар бир инсон узига касб танлар экан, аввало танланган касбига меҳр қўйиши керак. Қўлаверса, касбни кўн ва сабот билан ўрганса унга ихтисос қўйса, ҳеч қандай мушқуллик бўлмайди. Мен ўз касбини фарзандларимни, ота-онани, ватанимни севгандай ардоқлайман. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонда телефон бўлишини, уларга чин дилдан хизмат кўрсатишини истаيمان. Ҳар бир алоқа ходимининг эзгу нияти халқига ҳалол ва пок хизмат қилишидир. Менинг ҳам асосий бурчим халқимизга астойдил, беминнат хизмат кўрсатиш. Шунинг учун ҳам ишонч, эътиқод ҳамиша голиб бўлишига аминман.

**Бахтиёр АРАБОВ  
суҳбатлашди,  
Қашқадарё вилояти**

# ЁДИМИЗДА ҚОЛАДИ



Тошкент электротехника Алоқа институтининг телематика тизимлари кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор **Маждулла Нигматович ОРИПОВ** 62 ёшида бевақт оламдан ўтди.

М. Орипов 1960 йили ТЭАИни тугатиб, Москва электротехника Алоқа институти қошидаги аспирантурага кирди ва техника фанлари номоди диссертациясини ҳимоя қилди. 1964 йилдан бошлаб ТЭАИда телематика тизимлари кафедрасида доцент бўлиб ишлади. Маждулла Нигматович 1986 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва профессор унвонига сазовор бўлди. У 1969 йилдан буюн телематика тизимлари кафедрасида мудири бўлиб ишлаб келди. 1988-1999 йиллари илмий-тадқиқот ишлари бўйича ректор уринбосари вазифасида хизмат қилди.

ТЭАИда ишлаш давомида М. Орипов кенг ташиқлотчилик ва илмий-педагогик фаолият олиб борди. Юздан ортиқ илмий ишларни чоп эттирди.

М. Орипов «Фахрий радист», «Моҳир алоқачи» унвонлари ва «Фахрий ёрлик» билан тақдирланган.

Маждулла Нигматовичнинг ёрқин хотираси алоқа соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган педагог, жонқуяр инсон сифатида ёдимизда абадий сақланиб қолади.

**ТЭАИ жамоаси ва ҳамкасблари**

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори А. Ориповга акаси

**Маждулла ОРИПОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# • Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? •

# ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Қосимжон аканинг одати шунақа: эрта тонгда урндан туради, юз-қўлини ювиб, бир пиёла ҳам чой ичмасдан ишга отланади. «Сизга қуймоқ тайёрлаётган эдим, нонушта қилиб кетмайсизми?» — деганича йўлимга тўрт йиллик ёстикдоши Машкура опа, орқасидан хай-хайлаганича қолади. «Вақтим зик, онаси, вақтим. Газета ва журналлар, хат-хабарларни тезроқ ўз эгаларига етказишим керак» дейдию, велосипедига миниб, қадрдон ишонхона — 151-алоқа бўлимига ошиқади.

Кўп йиллардан буюн пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Шофайз ва Кўчка октепаси даҳаларидаги маҳаллаларда яшовчиларга хат-хабарлар, газета-журналлар ҳамда пенсиялар тарқатишда беминнат хизмат қилиб келаётган содда ва камтарин

инсон, почтачи Қосимжон ака Обидовнинг асли мутахассислиги — журналист. 1981 йили Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Миллий университет) журналистика факультети кечки бўлимини муваффақиятли тамомлагач, бир неча йил мобайнида «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Муштум» журналлари ва «Тошкент ҳақиқати» каби вақтлик матбуот нашрларида мусаххих бўлиб ишлади. Аммо бетоблиги сабабли тахририятларда узоқ вақт ишлаш олмайди. Шифокорлар касбини узгаришишни маслаҳат беришди. Шу боис 40 йил мобайнида почтачилик қилиб, ўз хўрмати-ни қозонган отаси Аҳмаджон аканинг изидан бориб, унинг касбини эгаллашга қарор қилди.

Мана шунга ҳам қарийб 20 йил бўлибди. Бу орада Машкурахонга

Абдужалил ака бундан қирқ йил муқаддам меҳнат фаолиятини қурувчиликдан бошлаган. Алоқа соҳасига бўлган қизиқиш уни Тошкент электротехника Алоқа институтига етказиб келди. Мазкур институти 1966 йилда битиргач, дастлаб Учқўрғон туман, сунгра 9-Наманган эксплуатация техника алоқа боғламаларига раҳбарлик қилди. 1985 йилдан бошлаб махсус алоқа таъмирлаш-қуриш бошқармасида бошлик, кейинчалик 4-«Ўзбекалоқаурилиш» трестиде бош муҳандис вазифасида ишлади. Мана, 16 йилдирки «Ўзбекалоқинвест» ҳиссадорлик жамиятининг Наманган кўчма механизацияланган алоқа жамланмасига

# ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

раҳбарлик қилмоқда.

Абдужалил ака Ҳожимирзаев ўз касбининг фидойиси сифатида қирқ йилдан ортиқ умрини алоқа қурилишига бахшида этиб, тақрибли раҳбар ва етуқ қурувчи мутахассис сифатида танилди. Наманган вилоятида қурилган қўллаб алоқа иншоотлари, Наманган шаҳридаги 4, 6, 7, ва 9-АТслар, почта-там биноси ва бошқа қўллаб илтимойи-маиший иншоотларда Абдужалил аканинг муносиб ҳиссаси бор.

Абдужалил ака ўз меҳнат фаолиятида қўллаб ёшларга мураббийлик қилди, уларга касб сирларини беминнат ўргатди.

Шогирдлари алоқа соҳасини юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мустақил Она-юртимиз равнақи ва порлоқ келажиги йўлида бор куч-гайратини, билим ва тажрибасини сафарбар этиб келаётган Абдужалил ака Ҳожимирзаев узининг олтимиш ёшини нишонламоқда.

Абдужалил аканинг қувончига ёр-қиродарлари ва касбдошлари қатори шерик бўлиб унга, узоқ умр, мустақкам соғлиқ тилаб, муборак ёшингиз кўтлуг бўлсин деймиш.

**Ш. ПАРПИЕВ,  
Наманган вилояти**

# ШУКРОНА АЙТ, ЖИЛМАЙИБ МАЙИН

## КУЁШ ВА БУЛУТЛАР

Кувшни яширган булутлар,  
Абадий яширмоқ сизларга  
насибмас.

Сиз ёмгир буласиз,  
Ёғасиз басма-бас.

Сунг сизни осмон ҳам  
унутар.

Қайтадан қуринар сунг  
куёш,

Кук юзи булажак  
тип-тиниқ, мусаффо.

Бунчалик булмагай  
кайф-сафо,  
Яшасин абадий чунг кувш!

## ҚУШЛАР ҚЎШИҒИ

Бошланади қушлар қўшиғи  
Айни бомдод — тонг

Дерсан улар ҳаёт ошиғи,  
Қушиқлари унга қасида.

Янглишасан, бу  
ибодатдир,

Ҳам ибодат, ҳам ҳамду  
сано.

Билганларга бу бир  
ибратдир,

Фикр қилмай бермагил  
баҳо.

Оддийгина хонишмас асло  
Илк тонгдаги қушлар овози.

Бу Аллоҳга ҳамд ила сано,

Куш тилида бомдод  
намози.

## ЯРИМТА ОЙ ЯРАТГАН ХАЁЛ

Яримта ой кукда ярқирар,  
у гоҳ ярим, гоҳида бутун.

Бари бир у порлаб барқ  
урар,

У бор экан фараҳлидир тун.

Ярим ойга боққаним замон  
Яримликлар тушар хаёлга.

Яримликлар этолмас  
хайрон,

Яримликлар элтмас  
заволга.

Нонинг ярим, мол-мулқинг  
ярим,

Бахтинг ярим булса ҳам  
майли.

Меҳри ярим булса  
ҳам ёринг,

Шукрона айт, жилмайиб  
майин.

Ҳамма нарсанг булса ҳам  
ярим,

Хуноб булма чикқудай  
жонинг,

Фақатгина булмасин ярим,  
Бутун булсин тақво,  
имонинг.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Наҳотки бор ҳақиқат мут-  
тасил ёлгондан иборат  
булса?  
бас — айримлар узлигини  
йўқотади-қуяди.

Яна қайта алдаш мумкин  
булмайдиган алданган омон-  
натчилар булмайди.

## ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

Овозингни қутарсанг маъ-  
навиятинг пасаяди.

Афоризмлар бамисоли  
мини юбкага ўхшайди —  
қисқа ва равшан.

Бир қултур озодликни га-  
заксиз ичса ҳам булади.

Диван, телевизор булса

Қўп нарса билсанг, қари-  
шинга йул қўйишмайди.

Одам ялқов булгани сайин  
унинг меҳнати қаҳрамонликка  
ўхшаб кетаверади.

Қандай яшайтганимиз — кат-  
та сир...

Енгил ҳаёт ишқибозлари  
одатда профессионаллар са-  
фига утиш учун интилади.

Яшаш қийин булган мам-  
лакатда осон уладилар.

Ҳаётдаги жамики яхши  
нарсалар ёхуд гайриқонуний,  
ёхуд ахлоқсиз, ёхуд ортиқча  
семиришга олиб келади.

Улимдан қутулиш учун  
ҳаётнинг баҳридан утиш  
мумкин.

Агар аёл, истаса эркак-  
нинг ҳамма нарсасини, ҳатто  
фамилиясини ҳам олиши  
мумкин.

Эркак кучи етганича, аёл  
эса қанча керак булса — шун-  
ча ишлайди.

Яхши эркаклар кучаларда  
юмалаб ётмайди. Улар... ди-  
ванда ётишади...

Ш. ЭРГАШ ўгли  
тайёрлаган

# ДАРМОНИМ ҚУРИМАСИН ДЕСАНГИЗ...


Тилимизда «илик узил-  
ди» деган ибора бор. Бу  
ибора қиш фаслидан  
кўкламга ўтиш палласини  
англади. Бу паллада  
инсон вужуди дармон-  
дорилар — витаминларга  
катта эҳтиёж сезади. Ви-  
тамин дориларни истал-  
ган дорихонадан топиш  
мумкин. Аммо уларнинг  
нархи осмонда. Бундай  
пайтда қимматбаҳо дар-  
мон-дориларнинг ўрнини  
босадиган витаминга бой  
шифобахш табиий не-  
ъматлар жуда кўл кела-  
ди. Халқ табобати хази-  
насида урин олган бун-  
дай неъматлар сирасига  
наъматак, лимон меваси,  
ош қарам, қатор қуқатлар  
киради. Булардан қандай  
фойдаланиш керак?

**НАЪМАТАК ШАРБАТИ.**  
40-50 грамм қуруқ наъма-  
так мевасини совуқ сувда  
чайиб, термосга жойлай-  
сиз. Сўнгра устидан 1

литр қайноқ сув қуйиб,  
8-10 соатга дамлаб қуя-  
сиз. Бу ишни кечқурун  
бажарган маъқул.

**ЛИМОН ШАРБАТИ.**  
Лимонни эзиб, сувини  
чиқарасиз. Лимон сувига  
озгина шакар солиб, сунг  
уни ичасиз. Юпқа қилиб  
кесилган лимон парракла-  
ри устига шакар сеппиб  
ейиш ҳам мумкин. Апель-  
син, мандарин, грейфрут  
сингари бошқа цитрус  
мевалари ҳам асқотади.  
Аммо меъерни унутманг.  
Акс ҳолда аллергия ортти-  
риб олишингиз ҳеч гап  
эмас.

**ОШ ҚАРАМ.** Борди-ю,  
наъматак меваси ёки ли-  
мон топишининг иложи  
булмаса, улар ўрнини бо-  
садиган дармонбахш  
неъмат-ош қарамдан фой-  
даланинг. Хом ва тузлан-  
ган ош қарам авитами-  
нозга қарши кучли воси-  
тадир.



Ҳали бу бешикларда Алпомишлар улғаяжак.

Она углига танбёх бе-  
ряпти:

— Уялмайсанми, углим,  
синф раҳбаринг яна сен-  
дан шикоят қиялпти. Отан-  
гдан урناق олсанг  
булмайдимми? Намунали  
хулқи учун уни муддатидан  
олдин қамоқдан  
бушатишди.

— Углим, югуриб бориб  
кўриб келчи, қассобда  
молнинг овғи бормикин.

Ярим соатдан кейин бо-  
лакай қайтиб келади.

— Хўш, билиб келдинг-  
ми?

— Йўқ, пойлаб турдим-  
турдим, лекин у бутинка-  
сини ечмади, «овғингизни

курсатинг» дейишга тортин-  
дим.

## ЛАТИФАЛАР

Ота углидан суради:  
— Менда унта олма бор.  
Иккитасини есам нечта қола-  
ди?

— Билмайман, — деди угли.  
— Биз мактабда масалани  
апелсинда ечамиз.

Кучадан ҳамма ёғи лой-  
кирга булганиб келган бола-  
кайни ойиси койиб деди:

— Бу қанақаси ахир?  
Ташқарида қиш, ҳаммаёқ  
оппоқ қор булса-ю сен лойга

булганиб келсанг.  
— Мен йиқилган жойда  
қор йўқ экан.

Ота углидан суради:  
— Углим, кундалигинг  
қани? Баҳоларингни бир  
қуриб қуймоқчиман.  
— Уни уртогим уйига  
олиб кетди, ота-онасини  
қурқитмоқчи экан.

— Углим, синфингда сен-  
дан яхшироқ бола борми?  
— Ҳа, дадажон, — дейди  
угил хурсиниб, — бир бола  
бор — роса қулогини қимир-  
латади-да., Ҳеч ким унақа  
қилолмайди.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва  
телекоммуникациялар  
агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Изаат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:**  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул  
ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин  
ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой  
кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўл ёзмалар (2 ораликда, 5  
бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга  
қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар,  
келтирилган факт ва рақамлар масъулияти  
муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-402.  
7225 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-  
МАТБАА  
КОНЦЕРНИ  
БОСМАХОНАСИ.**  
Қорхона манзили:  
Буюк Турон  
кўчаси, 41-уй.

Боснига топширилди — 19,00  
Боснига топширилди  
вақти — 18,00

